O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 20-dekabr • Shanba • 149 (27.954) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Ўз таркибида бешта кон бошқармаси ва ўнлаб замонавий ишлаб чиқариш объектларини бирлаштирган ушбу комбинат Учқудуқ, Зарафшон, Зафаробод ва Нуробод каби шаҳарларнинг ҳам вужудга келиши учун асос бўлди.

НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ ЖАМОАСИ ВА НАВОИЙ ШАҲРИ АҲОЛИСИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз азизларни Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шаҳрининг ташкил топганига 50 йил тўлиши муносабати билан чин қалбимдан самимий мубораксбод этиш менга катта мамнуния бағишлайди.

Буюк шоир ва мутафаккир бобомиз номини улуғлаб келаётган, мамлакатимизнинг энг гўзал шаҳарларидан бири бўлмиш Навоий шаҳри ва Ўзбекистон саноатининг фахри бўлган Навоий кон-металлургия комбинати тарихан қисқа даврда ҳар томонлама ҳурмат ва ифтихорга муносиб шаклланиш ва ривожланиш йўлини босиб ўтди, мураккаб синов ва машаққатларни бошидан кечириб, улкан муваффақиятларга эришди ва дунё миқёсида шуҳрат қозонди.

Бундан ярим аср муқаддам бепоён Қизилқум бағрида қад ростлаган, нафақат республикамизда, балки жаҳондаги кўплаб мамлакатларда кенг танилган, бугунги кунда ҳам самарали фаолият кўрсатиб келаётган мана шундай қудратли ва кўптармоқли замонавий ишлаб чиқариш комплекси ва унинг негизида барпо этилган, тобора обод бўлиб бораётган азим Навоий шаҳри халқимиз бунёдкорлик даҳосининг, юртимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, янгиланиш ва модернизация жараёнларининг ёркин намоёни сифатида барчани ҳайратда қолдиради.

Ўз таркибида бешта кон бошқармаси ва ўнлаб замонавий ишлаб чиқариш объектларини бирлаштирган ушбу комбинат Учқудуқ, Зарафшон, Зафаробод ва Нуробод каби шаҳарларнинг ҳам вужудга келиши учун асос бўлди. Бу шаҳарларнинг ҳар бирини чўл қўйнидаги мўъжиза, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Ҳозирги пайтда бу ҳудудда минглаб ишчи ва мутахассисларнинг фидокорона меҳнати билан мамлакатимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган ноёб маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Бугунги қувончли кунда биз оғир ва мураккаб иқлим шароитида жонбозлик кўрсатиб, энг замонавий юксак технологияга асосланган ушбу мажмуани бунёд этган, ўзининг халол меҳнати ва маҳорати билан кўп минг кишилик юқори малакали жамоанинг шуҳратини юксалтиришга катта ҳисса қўшган муҳтарам фахрийларимизга, ўз ҳаётини комбинат билан боғлаган барча инсонларга самимий ҳурмат ва эҳтиромимизни изҳор этамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Мустақиллик йилларида тарихий адолатни тиклаб, Навоий вилоятини қайта ташкил этганимиз бу минтақани жадал ривожлантириш, энг муҳими, ана шу саховатли заминдан қазиб олинаётган бебаҳо бойликларни эл-юртимиз манфаати йўлида ишлатиш борасида янги уфқ ва имкониятларни очиб берди ва бунинг қандай улкан аҳамиятга эга бўлганини ҳаётнинг ўзи бугун тасдиқламоқда.

Айниқса, ўтиш даврида жиддий иқтисодий қийинчилик ва етишмовчиликларга қарамасдан, биз Навоий кон-металлургия комбинатининг ишлаб чиқариш қуввати ва имкониятларини, унинг ноёб кадрлар салоҳиятини наинки сақлаб қолишга, айни пайтда келажакни ўйлаб, уни энг юксак талаблар ва жаҳон андозаларига жавоб берадиган илғор технологиялар асосида янада барқарор ривожлантиришга эришдик.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли олтиннинг 80 фоизи, уран концентрати ва фосфор ўғитлари учун зарур хомашёнинг ҳаммаси айнан шу комбинатда тайёрланмоқда. Бугунги кунда дунёдаги нуфузли Лондон ва Токио қимматбаҳо металлар биржаларида ўзбек олтини ўзининг юксак сифати билан муносиб баҳоланмоқда. Кейинги йилларда Қизилқум минтақасида нодир ва қимматбаҳо металлар, фосфорит хомашёсининг янги конлари ўзлаштирилаётгани, янги замонавий корхоналарнинг қурилиб ишга туширилаётгани Навоий кон-металлургия комбинатининг улкан миқёсдаги тараққиёт ва юксалиш йўлидан дадил бораётганидан далолат беради.

Алоҳида таъкидлаш керакки, барчамизни мамнун этадиган бундай ютуқ ва натижаларга аввало ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, энг асосийси, кўпмиллатли комбинат жамоасининг фидокорона меҳнати, ишга профессионал ва ижодий ёндашуви, бунёдкорликка бўлган интилиши, ўз касбига садоқати ҳисобидан эришилмоқда.

Бугунги кунда Навоий кон-металлургия комбинати ишчи-хизматчиларининг, Навоий шаҳри, вилоятнинг шаҳар, қишлоқ ва овулларида яшаётган одамларнинг сидқидилдан қилаётган меҳнати туфайли нимаики яратилган ва яратилаётган бўлса, буларнинг барчаси келажакка ишонч билан қараш, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини ошириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Айнан Навоий вилоятида мамлакатимизда биринчи бўлиб эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш, жаҳон бозорида рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган юксак технология қувватларининг кенг тармоғини яратиш бўйича яқинда қабул қилинган қарор замирида ҳам аввало бу минтақанинг беқиёс имкониятлари, унинг ҳудудий ўрни, улкан меҳнат ресурслари, ишлаб чиқариш ва интеллектуал салоҳияти мужассамдир.

Мен учун қадрдон бўлган Навоий кон-металлургия комбинатининг меҳнатда тобланган аҳил ва фидойи жамоасини, Навоий шаҳри аҳлини ушбу қутлуғ сана билан яна бир бор табриклар эканман, сизларга ўзимнинг юксак ҳурмат ва эҳтиромимни билдириб, барчангизга сиҳат-саломатлик, иш фаолиятингиз ва шахсий ҳаётингизда бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ ВА НАВОИЙ ШАҲРИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИ ВА ШАҲАР ФАОЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг ер ости бойликларини ўзлаштириш, иқтисодий ва экспорт салоҳиятини юксалтириш, унинг халқаро нуфузини ошириш, кон-металлургия саноатини замонавий асосда ривожлантириш ҳамда Навоий шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашга қўшган салмоқли ҳиссаси, шунингдек, меҳнатда эришаётган катта муваффақиятлари ва жамоат ишларидаги фаоллиги учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»

Абдуллаев Бобоназар Нурбўтаевич — «Қизилқумцемент» очиқ акциядорлик жамияти қуйдириш цехининг машинисти

Рўзиев Тоҳир Аҳмедович — Навоий кон-металлургия комбинатининг 5-кон бошқармаси директори

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚУРУВЧИ»

Жўраев Тўрақул Рамазонович — Навоий кон-металлургия комбинати Зарафшон қурилиш бошқармасининг 1-қурилиш участкаси бетончиси

Очилов Усмон Ҳакимович — Навоий шаҳридаги 10-қурилиш-монтаж бошқармасининг участка бош муҳандиси

Кўп йиллик фидокорона меҳнати билан мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаётгани, кон-металлургия саноатига илғор технологияларни жорий этиб, улкан ютуқларни қўлга киритаётгани, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Заболотний Валерий Радионович — Навоий кон-металлургия комбинати «Мурунтов» конининг бурғулаш участкаси бошлиғи

Шарипов Абдурауф Убайдуллаевич — Навоий қурилиш бошқармасига қарашли 2-қурилиш-монтаж участкасининг электргаз пайвандчиси

Эшимов Баҳодир Саматович — Навоий кон-металлургия комбинати 2-Гидрометаллургия заводининг таъмирловчи-чилангари

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Леонтьев Вячеслав Владимирович — Навоий кон-металлургия комбинати 1-геотехнологик конининг участка электрмеханиги

(Давоми 2-бетда)

✓ «Истиқбол» — ЎзХДП ёшлар қаноти

УНУТИЛМАС ЛАҲЗАЛАР

Наманган вилоят Ички ишлар бошқармаси Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қанотининг 16 ёшга тўлган йигит-қизларга фуқаролик паспортларини тантанали топшириш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлади

Маросим рус, корейс, қирғиз, тожик миллий-маданий марказларининг вилоят бўлимлари билан ҳамкорликда ўтказилди. Минтақада 90 га яқин миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Бугунги кунда вилоятда рус, қирғиз ва тожик тилларида таълим бериладиган мактаблар, тил ўргатишга ихтисослашган ўқув марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Тадбирда сўзга чиққан вилоят ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Икромхон Нажмиддинов, партия вилоят кенгаши раиси Абдурашид Убайдуллаев ҳамда вилоят жамоатчилиги вакиллари фуқаролик маърифати, бурчи, масъулияти, Конституциямизнинг ҳар бир фуқаро манфаатини ишончли ҳимоя қилишдаги ўрни, миллатлараро бағрикенглик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик туфайли эришилаётган муваффақиятлар ҳақида фикр юритдилар.

Фуқаролик паспортига эга бўлган ёшлар яратилаётган шароит ва имкониятлардан миннатдор эканликларини билдириб, Ўзбекистон фуқароси, деган шарафли номга муносиб бўлиш учун аъло ўқишга, фаол бўлишга ҳаракат қилишларини изҳор этишди.

Маросим вилоят марказидаги «Висол» тантаналар мажмуасида давом этди. Тадбир иштирокчиларига вилоят маданият саройи хонанда ва созандалари ҳамда Санъат коллежи талабалари томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.

САҲРОДА ЯРАТИЛГАН МЎЪЖИЗАЛАР

Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шаҳрининг 50 йиллиги кенг нишонланмоқда

Бугун Қизилқум кенгликларида катта шодиёна — саҳрода яратилган мўъжизалар — Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шаҳрининг 50 йиллиги тантанали нишонланмоқда.

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий номи билан аталувчи бу шаҳар ва мамлакатимиз саноатида етакчи ўрин тутадиган йирик ишлаб чиқариш корхонаси — Навоий кон-металлургия комбинатининг ривожланиш тарихи бир-бири билан чамбарчас боғлиқ.

Бундан ярим аср илгари бепоён Қизилқум бағрида қад ростлаган мазкур қудратли ва кўп тармоқли ишлаб чиқариш мажмуаси, у билан бир вақтда пайдо бўлган бу замонавий шаҳар бугунги кунда том маънода халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти рамзига, фахру ифтихоримизга айланди.

Навоий кон-металлургия комбинати ўтган ярим аср мобайнида мураккаб ва шарафли йўлни босиб ўтди. Ҳудуди, имкониятлари йил сайин кенгайиб, ишлаб чиқариш салоҳияти юксалиб борди.

Истиқлол йилларида, бутун юртимизда бўлганидек, Навоий шаҳрида ҳам кенг кўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шаҳар тубдан ўзгарди, янада гўзал ва кўркам қиёфа касб этди.

Бугун шаҳарда 130 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилмоқда. Турли миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ ҳаёт кечириб, мамлакат тараққиётига муносиб улуш қўшиб келмоқда.

3-бет

✓ Қишлоқ ҳақида ўйлар

ЮРТИМИЗ ОБОДЛИГИ ВА ҲАЁТИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ

қишлоқларимиз тақдири ва келажагига боғлиқ

2-бет

БУГУНГИ СОНДА:

• ЯНГИ ҚОНУНЛАР ТАРҒИБОТИ 3

❖ Спорт

МАЪНАВИЙ ЕТУКЛИК МУЗАФФАРЛИККА ЕТАКЛАЙДИ

4

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ ВА НАВОИЙ ШАҲРИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИ ВА ШАҲАР ФАОЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Никитанов Виктор Викторович — Навоий кон-металлургия комбинати Шимолий кон бошқармасининг 3-Гидрометаллургия заводи директори

Норов Насим Баракаевич — Навоий шаҳридаги «Ҳумо» маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Саидова Дилбар Ҳамидовна — Навоий кон-металлургия комбинати уй-жой коммунал бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Умарова Салима Бахроновна — Навоий вилоятидаги «Дўстлик байроғи» газетасининг бош муҳаррири ўринбосари

Федулов Сергей Александрович — Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармаси темир йўл транспорти бошқармасининг тепловоз машинисти

Ҳотамов Шукурилла Рўзимуродович — Навоий кон-металлургия комбинати «Мурунтов» кони «Шарқ» участкасининг экскаватор машинисти

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Душкин Анатолий Никифорович — Навоий шаҳри Рус миллий маданий маркази раиси

Ермекбаев Бобоқул Яхчиликович — Навоий кон-металлургия комбинати геология бўлими бош геологининг гидрогеология бўйича ўринбосари

Коваленко Петр Владимирович — Навоий кон-металлургия комбинати назорат-ўлчов асбоблари ва автоматикаси марказий лабораториясининг чилангар-таъмирловчиси

Норбоев Абдираҳим — Навоий кон-металлургия комбинати Жанубий кон бошқармасининг бурғулаш ишлари участкаси бошлиғи

Раупов Холмамат Рашидович — Навоий давлат кончилик институтининг ижтимоий фанлар кафедраси мудири

Тарасов Сергей Николаевич — Навоий кон-металлургия комбинати Шимолий кон бошқармаси «Давгизтов» конининг 5-кондан фойдаланиш участкаси экскаватор машинисти

Тўхтамишов Мияссар Музаффарович — «Навоийазот» очиқ акциядорлик жамиятининг цех бошлиғи

Хаустова Валентина Владимировна — Навоий кон-металлургия комбинатининг марказий лойиҳалаш бюроси бошлиғи

Шлемова Ирина Владимировна — Навоий шаҳридаги «Олтин сув» республика сузиш марказининг спортчи-йўриқчиси

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Алимов Аҳлиддин Шаҳриддинович — Навоий кон-металлургия комбинати бирлашган энергохизмати таъмирлаш-фойдаланиш цехининг чилангари

Бўронов Музаффар Ҳамидович — Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармасининг Эмульсион портловчи моддаларни тайёрлаш ва портлатиш ишлари участкаси портлатувчиси

Бистроченко Александр Михайлович — Навоий кон-металлургия комбинати 1-Гидрометаллургия заводи цехининг аппаратчиси

Ермаков Юрий Иванович — Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармасининг «Мурунтов» кони марказий лабораторияси электрмеханиги

Жумабаев Ибрагим Ережепович — Навоий шаҳридаги «Ишонч» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси

Иброҳимова Насиба Райимовна — Навоий шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи» тарбиячиси

Икромов Ўктам Ҳазратович — Навоий иссиқлик электр станцияси очиқ акциядорлик жамияти бош муҳандисининг таъмирлаш ишлари бўйича ўринбосари

Исломов Луксияр Барноевич — Навоий кон-металлургия комбинати Жанубий кон бошқармаси бурғулаш ишлари участкасининг бурғулаш қурилмаси машинисти

Кочугаев Александр Иванович — Навоий кон-металлургия комбинатининг Шимолий кон бошқармасига қарашли кон ускуналарини таъмирлаш цехи бошлиғи

Мамирова Насиба Ҳамидовна — Навоий шаҳридаги «Ҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

Мамурова Муҳайё Бобомуродовна — Навоий шаҳридаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси

Мударов Тимур Александрович — Навоий шаҳридаги «Тизол-Н» хусусий корхонаси бош директори

Набиев Константин Александрович — Навоий кон-металлургия комбинати Шимолий кон бошқармасининг «Кокпатас» карьери юкловчи-машинисти

Нуриддинов Шоҳруҳ Ғафур ўғли — Навоий кончилик касб-ҳунар коллежининг 2-босқич талабаси

Раббимов Норбўта Жўрақулович — Навоий кон-металлургия комбинати 1-Гидрометаллургия заводининг кон ва технологик асбоб-ускуналарни таъмирлаш цехи электргаз пайвандчиси

Равшанов Қувондиқ Исмоилович — «Электрокимёзавод» очиқ акциядорлик жамиятининг кимёвий воситалар ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш цехи бошлиғи

Раҳматов Исроил Қурбонович — Навоий кон-металлургия комбинати ходимлари касаба уюшмаси Кенгаши раисининг ўринбосари

Роппель Николай Александрович — Навоий кон-металлургия комбинати 5-кон бошқармасига қарашли 2-геотехнологик конининг бурғулаш ускунаси машинисти

Сафин Шамиль Римович — Навоий халқаро аэропортининг ҳаво кемаларига тезкор техник хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи

Топольсков Георгий Васильевич — Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармасининг ҳайдовчиси

Ҳамдамов Фахриддин Пардаевич — Навоий кон-металлургия комбинати Навоий машинасозлик заводининг темирчиси

Ҳотамов Абуҳаёт Жуманович — Навоий кон-металлургия комбинати Жанубий кон бошқармаси «Маржонбулоқ» конининг муҳандис-технологи

Хидиров Лочин Шопўлотович — Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармасининг электр тармоқлари участкаси электрмонтёри

Худайбердиев Муртаза Мустафоевич — Навоий кон-металлургия комбинати 5-кон бошқармасининг ишлаб чиқариш ва техника бўлими бошлиғи ўринбосари

Хусенов Авазжон Ниятуллоевич — Навоий шаҳридаги «Аскомжтранс» шаҳар ва туманлараро йўловчи ташиш корхонаси ҳайдовчиси

Чорқулов Муҳиддин Темирович — Навоий кон-металлургия комбинати Жанубий кон бошқармасининг «Зармитан» кони ер ости жинсларини қазиб олиш участкаси лаҳмчиси

Ҳайдаров Дилмурод Аҳмедович — Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармасининг қимматбаҳо металларни сақлаш бўлими бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2008 йил 18 декабрь

(Давоми. Боши 1-бетда)

✓ Қишлоқ ҳақида ўйлар

ЮРТИМИЗ ОБОДЛИГИ ВА ҲАЁТИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ

қишлоқларимиз тақдири ва келажагига боғлиқ

Бу фикрни мамлакатимиз Президенти айтди. Ишонтириб айтди, асослаб айтди. Халқимиз уни қўллаб-қувватлади, кўнгли тоғдек кўтарилди, янги 2009 йилга янада катта умидларини боғлади. Ёшлар йилида эришилган беқиёс ютуқлар шукронаси, қувончлари Янги йилнинг ойдин орзуларига боғланиб кетди. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да амалга ошириладиган ишлар, бунёдкорликлар, яратиладиган шарт-шароитлар ҳозирдан кўз ўнгимизда намоён бўла бошлади. Қишлоққа бўлган бундай эътибордан бутун халқимиз биргаликда севинмоқда. Чунки, Юртбошимиз таъкидлаганидек, барчамизнинг илдизимиз, томиримиз авваламбор қишлоқ заминига бориб тақалади. Оддий қилиб айтганда, рўзғоримиз қишлоқ билан бут, дастурхонимиздаги нонимизу мева-чевадан тортиб қозонимиздаги насибамизгача — ҳамма-ҳаммаси қишлоқ билан, деҳқон меҳнати билан боғлиқ. Устимиздаги кийим-кечагимиз, уйларимизни чароғон қилиб турган электр қуввати, мушкулимизни осон этган газ, нефть манбаи ҳам қишлоққа, дала-даштларга, қадоқ қўлларга бориб тақалади.

Демак, қишлоқ турмушини янада яхшилаш, бошқача айтганда, бизни боқаётган, мамлакатимиз асосий моддий бойлигини яратаётган одамларга меҳр кўрсатиш, уларнинг ишлаши, яшаши учун муносиб шарт-шароит яратиб беришга бутун мамлакат миқёсида бел боғлангани, ҳеч шубҳасиз, ҳайрли, адолатли қарор бўлди. Бугун қишлоққа кўрсатилаётган бу эътибор ва ғамхўрлик кишини беихтиёр ўйга толдиради, қишлоқларимизнинг кечаги ва бугунги ҳаётини қиёслаб, мулоҳаза юритишга, яқин тарихимизда қишлоқларимиз бошидан кечган қора кунлардан сабоқ чиқаришга ундайди.

Кўпчилигимиз қишлоқда вояга етганмиз. Болалик хотираларимиз қишлоқ билан боғлиқ. Ўйласанг, умрнинг ўша беғубор онлари... юрагингда чандиқ бўлиб қолган оғриқли воқеалар... даладан, қора меҳнатдан бош кўтармай ўтиб кетганлар, орзулари кўксида армон бўлиб қолган тенгдошларинг, ўша замон алам ва изтироблари кўз ўнгинга келади. Бир кўчага тош тўкилса, катта янгилик эди, қишлоққа кино келса, байрам эди. Кичикроқ бўлса-да, бир автобус қатновини йўлга қўйиш учун йиллаб курашишга тўғри келарди. Оилангда биров оғир дардга чалинса, тез ёрдам чақириш учун телефон анқонинг уруғи эди. Оқибатда қанчалаб болаларни асраб қолишнинг имкони бўлмади, қанчалаб ҳамқишлоқларимиз бу дунёдан бевақт ўтиб кетди. Уй-жойларнинг аксарияти пахсадан тиклинган пастқам, кўримсиз эди. Гиштдан уй қурган ёки томини шифер билан ёпган одам сўроқу терговлардан тинкаси қуриб, жазога тортиларди.

Инсонга ўхшаб уй-жой қуриб яшашга имкон берилмасди. Бир парча ер инсон қадридан, жонидан азиз эди. Каталакдек ҳовлида болалари билан тиқилиб, бир неча оила яшар эди. Бу шўрликлар уй-жой қуриш учун ерга зор эди.

Пахта етиштириш бўйича ақлга сиғмас талаблар, планлар ошгандан ошиб борарди. Ерлар пахта экишдан бўшамасди, нафас ололмасди. Беҳисоб химикатлардан, пахтазорлар ва қишлоқлар узра сепилган заҳри қотилдан ер ҳам, одамлар ҳам, боғроғлар ҳам турли оғир касалликларга чалиниб бўлганди. Ҳеч ким одамлар соғлиғи билан қизиқмасди. Оналар ва болалар ўлими тўғрисидаги маълумотлар ошкор этилмасди, қаттиқ сир тутиларди. Уларни даволаш учун эса тиббий масканлар етишмасди. Эҳтимол атайлаб шундай қилингандир. Чунки, касалманд одам ўз ҳақ-ҳуқуқини сўрашга қурби етмайди. Дардини Худога айтишдан бошқа иложиси бўлмайди. Аксарият қишлоқ мактаблари эса мослаштирилган кўримсиз, зах босган бинолардан иборат эди. Эҳтимол янгисини қуришга маблағни қизғанишгандир, «буларга бўлаверади», деб ўйлашгандир ёки бу юртнинг болалари ўқиб, илмли бўлиши, ўзини, дунёни танишидан ҳайиқишгандир.

Умри машаққатли меҳнат билан ўтган қишлоқ одамлари тонналаб етиштирган пахтаси, пилласи, тилласи, вагон-вагон ноз-неъматлари қаёққа, нега кетаётганини билмасди. Деҳқонларимиз пешона тери эвазига етиштирилган бу бойликлар роҳатини бошқалар кўрарди. Қул каби ишлаган, яшаган қишлоқ аҳли рўшнолик ўрнига узлуксиз хўрликлар, таҳқирлар, қатағонларни бошидан кечирди. Шўро ҳукуматининг зўравонлик сиёсати жабр-зулмини ҳаммадан кўра қишлоқ аҳли кўпроқ тортди десак, асло муболаға бўлмайди. 1920-30 йилларда «Қулоқ», «Ёт унсур», «Муштумзўр», «Халқ душмани», «Саботажчи» каби тамғалар билан ўз қишлоқларидан мутлақо бегона юртларга бадарға қилинди, қамалди, отилди...

Шўро давлатининг сўнгги йилларида талвасага туша бошлаган мустабид тузум корчалонлари миллатни оёқ ости қилиш, ёмонотлиққа чиқариш ва шу баҳона навбатдаги қатағонни уюштириш учун ўйлаб топган «Пахта иши», «Ўзбек иши» фожиаларининг аламли, аччиқ асоратлари халқимиз хотирасидан ўчгани йўқ ҳали. Минглаб бегуноҳ кишилар қамоққа ташланди, собиқ марказдан юборилган қаттол терговчилар ўзлари тўқиб чиқарган айбномаларга бегуноҳ одамларни мажбуран иқрор қилдириш учун уларнинг оила аъзолари — аёллари, қизлари, ўғиллари, ака-укаларини ҳам қамоққа ташлаб, ойлаб, йиллаб қийноққа солишди...

Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги раҳбарларида ўз халқини ҳимоя қилиш учун ирода, иймон, журъат етишмади, диёнат етишмади. Бири амалини, тинчини ўйлаб, томошабин бўлиб турди, бошқаси собиқ марказга яхши кўриниш мақсадида «десант»чилар шаънига мақтовлар айтиб, уларни қўллаб-қувватлашдан уялмади. Халқда вақт олий ҳакам деган ҳикмат бор. Ҳа, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам, ботирлик ҳам, қўрқоқлик ҳам вақти келиб ўз баҳосини олади. Афсуски, ўша раҳбарлар бу қилмишлари устидан тарих ҳукм чиқаришини, ўз халқига нисбатан қилинган хиёнатни одамлар ҳеч қачон кечирмаслигини ўйлашмади.

1990-йиллар бошларида қишлоқ хўжалиги ишлари буткул издан чиққан, иқтисод таназзулга юз тутган эди. Одамларнинг қадр-қиммати оёқ ости қилинган, руҳи тушган, қўли ишдан совиган, эртанги кунга ишончи йўқолган, юрагини қўрқув эгаллаган эди. Қишлоқ хўжалигини зўравонлик билан бошқарув, ерга, табиатга узоқ йиллар давомида қилинган тажовуз оқибатида сахий она заминимиз заҳарланиб, тинка-мадори қуриган эди. Сув манбалари камайиб, Орол фожиаси бошланган, бир сўз билан айтганда, қишлоқ хўжалиги бутунлай ҳалокат ёқасига келиб қолганди. Бунинг устига аҳоли тобора қашшоқлашиб, сабр-косаси тўлиб борарди. Энг ачинарлиси, оддий одамлар қалбидаги жароҳат, уларга етказилган маънавий зарарнинг ҳисоби йўқ эди...

Шуни алоҳида айтиш керакки, қишлоққа, қишлоқ одамларига нисбатан адолатни тиклаш ҳаракатлари мустақилликдан олдинроқ, мамлакатимизга Ислом Каримов раҳбар этиб тайинланган дастлабки кунлардан бошланган эди. Аввало, хўрланган деҳқонлар ҳақ-ҳуқуқлари, шаъни, қадр-қимматини тиклашга киришилди. Пахта яккаҳокимлиги ўзбек халқи манфаатларига хилоф равишда юқоридан зўрлаб ўтказиб келинган бешафқат сиёсат фожиаси экани очиб ташланди. Бу ҳолатга сиёсий-ҳуқуқий баҳо берилди. Айни вақтда одамларнинг ночор турмушини тиклаш мақсадида уларга уй-жой, томорқа учун ер ажратила бошланди.

1990 йил июнь ойида Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида Ислом Каримов республикамизда йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолар ва уларнинг сабабларини таҳлил этар экан, қишлоқ масаласига алоҳида тўхталди. Деҳқонларга қарата **«Биз сизларни ёлғиз қолдирмаймиз»**, деди. **«Қишлоқ ижтимоий турмушини қайта қуриш, қишлоқнинг сув таъминотини, газ таъминотини яхшилаш, инфраструктурани яхшилаш учун марказлаштирилган капитал маблағлар қидириб топамиз. Бу бизнинг вазифамиз, бу бизнинг бурчимиздир»**, дея таъкидлади.

1990 йил 28 июлда Президентимизнинг **«Қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида»**ги Фармони имзоланди. Унинг биринчи бандида шундай дейилган: **«Қишлоқни ижтимоий жиҳатдан обод қилишда юз берган катта қолоқликни бартараф этиш юзасидан амалий чора-тадбирларни бажариш мақсадида республика қишлоқ аҳолисини 1990-1992 йилларда ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш Давлат дастурини қабул қилиш зарур деб ҳисоблайман... Кўрсатилган даврда 1,7 миллион қишлоқ аҳолисига водопровод тармоғидан ичимлик сув ва қишлоқдаги 330 мингта уй-жой ҳамда квартирага табиий газ бериш таъминлансин».**

Бу муҳим қадам қишлоқ дардини, муаммоларини яхши билган, уни юракдан ҳис қилган инсоннинг мардона қарори эди.

Дарҳақиқат, 1990 йилнинг бошида 5 миллиондан зиёд қишлоқ аҳолиси тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятидан маҳрум, кўп ҳолларда эса одамлар ичаётган сув истеъмолга мутлақо яроқсиз эди.

Қишлоқларда яшаётган аҳолининг фақат 18 фоизи табиий газ билан таъминланганди. Республикамизнинг 24 та қишлоқ районига эса табиий газ умуман етиб келмаганди.

Президент Фармонига асосан ишлаб чиқилган Давлат дастурига мувофиқ 1990-1992 йилларда бир қанча катта сув олиш иншоотлари ва магистрал сув қувурлари, 16,7 минг километр водопровод тармоғи қуриш режалаштирилди. Шу мақсадлар учун пудрат ишлари лимитлари ва тегишли моддий-техника ресурслари билан бирга 1,1 миллиард сўм капитал маблағ ажратилди. Газ қувурларидан узунлиги 700 километр бўлган юксак босимли шохобчалар, автомат газ тақсимлаш станциялари комплекслари, 12,7 минг километр газ тармоқлари қурилиб, 330 мингта якка тартибдаги уй-жой ва ижтимоий-маданий-маиший объектларни газлаштириш режалаштирилди. Ушбу ишлар амалга оширилгач, сув билан таъминлаш ҳажми 3 баравар ва газлаштириш ҳажми 4 бараварга ошди.

Марказга қарам, унинг измисиз бирон ишга мустақил қўл уриш хатарли бўлган, республика иқтисоди ночор аҳволда турган бир пайтда бундай қарор қабул қилиш катта журъат ва жасоратни талаб этарди.

1992 йил июль ойида XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида Ислом Каримов қишлоқ аҳолиси ҳақида айтган сўзларидан айримларини ёдга олайлик... **«Барчани тўйдириб, барчани кийдириб келаётган инсонлар, адолат юзасидан, тўқроқ ва тўкинроқ яшашлари керак эмасми?». «Қишлоқ аҳли ўз маҳсулотларини 74 йил мобайнида сувтекинга сотиб, ўзи ниҳоят даражада қашшоқ бўлиб қолди. Бу ҳолатга ортиқ чидаб бўлмайди».**

Дарҳақиқат, ўша сессияда қайд этилганидек, қишлоқ хўжалигини тезроқ оёққа турғазиш, деҳқон-фермер хўжаликлари сонини кескин кўпайтириш учун махсус Фармон қабул қилинди. Фермерлар учун 90 минг гектар ер ажратиш белгиланди. Деҳқонларга чорва моли сотиб олиш учун 50 минг сўмга қадар нақд пул берила бошланди. Қишлоқ хўжалиги ходимлари маоши оширилди. Пахта, ғалла, пилла, полиз, мева ва сабзавот харид нархи кўтарилди. Деҳқонлар даромад ва қўшимча қиймат солиғидан озод этилди.

Мамлакатимиз мустақил бўлгач, қишлоқда ҳам туб ўзгаришлар амалга оширила бошланди. Ўтган давр мобайнида қишлоқда мисли кўрилмаган янгиланишлар юз берди. Қишлоқ одамлари руҳини кўтариш, эртанги кунга ишончини ошириш, қилаётган меҳнати самарасидан кўпроқ баҳраманд бўлишини таъминлаш, эмин-эркин, ташаббускорлик билан ишлашини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш бўйича изчил сиёсат юритилмоқда. Бугунги деҳқон билан кечаги деҳқон ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Бугун деҳқон мулк эгаси бўлди. Ерга, меҳнатга, ҳаётга муносабати тамоман ўзгарди. Рўзғорига қут-барака, турмушига файз кира бошлади. Бугун қишлоқ одамларининг гурунглари мавзуси, орзулари ҳам бошқача — янгича, замонга хос ва мос. Сўнгги йилларда қишлоқларимизда кўзни қувонтирадиган кўпдан-кўп хусусий уй-жойлар, замонавий мактаб, коллежлар, тиббий ва спорт масканлари қад ростлади. Ичимлик суви, газ таъминоти, йўл қурилиши, алоқа ва транспорт хизмати бўйича асрлар бўйи қилинган орзулар ушалмоқда.

Қиёслаб, хулоса чиқариш учун айрим мисолларга эътибор берайлик. Мактаб таълимини ривожлантириш давлат Умуммиллий дастури доирасида қуриб фойдаланишга топширилган ва таъмирланган 6544 таълим муассасасидан 5284 таси (80,7 фоиз) қишлоқ ҳудудларида, 198 таси (3,1 фоиз) чекка тоғли ҳудудларда барпо этилди.

«Ёшлар йили»нинг ўтган даврида эса мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, энг чекка қишлоқ жойларида 184 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей қурилиб фойдаланишга топширилди.

Қишлоқ аҳолисига замонавий тиббий хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бугун республикамизда 3100 дан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари фаолият кўрсатмоқда. Улар замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Яқин ўтмишда эса қишлоқ аҳолисининг куни ўта ибтидоий фельдшерлик пунктларига қолган эди. Ўрта махсус маълумотли фельдшерлар ўтирадиган хона ночоргина бир кулбадан иборат бўларди. Шу ўринда Юртбошимиз таклифи билан ташкил этилган Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази ва унинг вилоятлардаги филиаллари, туманлардаги бўлимларини олайлик. Илгари бундай бўлиши ҳатто тушимизга ҳам кирмаган эди-ку!

Ҳаммамизга яхши маълумки, қишлоқ жойларида ҳали қилинадиган ишлар, ечимини кутаётган масалалар, даврнинг ўзи олдимизга қўяётган янгидан-янги вазифалар оз эмас. Шу боис, 2009 йил мамлакатимизда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги» йили деб эълон қилинди. Энди уйлаб кўрайлик, бундан йигирма йилча илгари бунга ким рухсат берарди? Шундай бўлади десак, ким ишонарди? Янги йил — мустақиллигимизнинг 18-йили ўзининг бунёдкорлик, ободончилик ишлари, яратилган янгидан-янги имкониятлари билан қишлоқ турмуши, маданияти, ҳаётида тарихий йил бўлиб қолиши, мамлакатимиз иқтисодий қудратини янги марраларга олиб чиқишига ишончимиз комил.

Қишлоқни тараққий эттириш, фаровонлаштиришга қарор қилганимиз ва бу борада амалга ошириладиган ишлар моҳиятидан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, барча саъй-ҳаракатлар замирида қишлоқ одамлари меҳнатини муносиб баҳолаш, фаровон яшашига шароит яратиб бериш, ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлашдек олижаноб мақсадлар мужассамлигини англаймиз. Қишлоқнинг тақдири, тараққиёти бутун мамлакат тақдири ва тараққиётини белгилаб беришига ишонч ҳосил қиламиз.

Мамлакатимиз раҳбарининг Конституциямиз қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузаси мазмун-моҳияти, унда илгари сурилган ғоялар ҳар биримизни бу улуғ мақсад йўлида янада фаол бўлишга ундайди, бирлаштиради.

Сафар ОСТОНОВ

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Хонқа туман партия кенгаши Маиший хизмат касб-ҳунар коллежида инсон манфаатларини таъминлаш масалаларига бағишланган давра суҳбати ташкил этди. Унда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва унинг барча учун бирдек тааллуқли тамойиллари ҳамда юртимизда унга амал қилиниши ҳақида сўз юритилди.

ЎзХДП Фарғона вилоят ташкилотлари Меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернат тарбияланувчилари, Мурувват уйларидаги қариялар ва меҳнат ногиронлари иштирокида хайрия тадбирлари ўтказди. Жумладан, Бувайда туман партия кенгаши билан туман ҳокимлиги ҳамкорликда ўтказган тадбирда 200 нафар эҳтиёжмандларга ҳомийлар кўмагида совғалар улашилди. Бешариқ туман партия кенгаши, бошланғич ташкилотлар фаоллари ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари партиямиз электорати ҳисобланган ногиронлардан бир гуруҳига моддий ёрдам кўрсатдилар. Фарғона шаҳар партия кенгаши 86-махсус мактаб-интернат, мурувват уйи тарбияланувчилари ва ногиронларга қатор корхона ва ташкилотларнинг ижтимоий кўмагини уюштирди.

ЎзХДП Бувайда туман кенгаши ташаббуси билан аҳоли орасида ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган қатор тадбирлар ўтказилди. Жумладан, партия фаоллари иштирокида 21-мактабнинг барча синфларида Ўзбекистон Конституциясига бағишланган очиқ дарслар ташкил этилди. Шунингдек, ўсиб келаётган ёш авлод билан қизиқарли мулоқотлар уюштирилди. «Конституция ва ёшлар» мавзусидаги илмий-амалий конференцияда эса Қўқон давлат педагогика институти профессор-ўқитувчилари ёш авлоднинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида гапириб беришди. ЎзХДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Маҳмуджон Маҳкамов иштирокидаги учрашувда партия электорати вакиллари, мактаб ўқувчилари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаоллари қатнашдилар. Тадбирда депутат янги қабул қилинган қонунлар ва уларнинг ҳаётимиздаги аҳамияти ҳақида фикр юритди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот хизмати

САҲРОДА ЯРАТИЛГАН МЎЪЖИЗАЛАР

Шаҳарда ўнлаб ишлаб чиқариш корхоналари, замонавий таълим-тарбия, тиббиёт масканлари, маданий-маиший иншоотлар фаолият кўрсатмоқда. «Фарҳод» ва «Ширин» маданият кошоналари, «Ўзбекистон», «Наврўз», Алишер Навоий номидаги кинотеатрлар, «Дельфин», «Сўғдиёна» сингари спорт иншоотлари шаҳар кўркига кўрк бағишлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йил 1 июлда қабул қилинган «Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шаҳрининг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ҳамда уни нишонлаш тўғрисида»ги қарори нафақат навқирон шаҳар аҳли ва комбинат меҳнат жамоаси, балки бутун вилоят аҳолиси, барча юртдошларимизни қувонтирди.

Мазкур қарор ижроси юзасидан Навоий шаҳри ва бутун вилоят ҳудудида кенг кўламдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 2 декабрда қабул қилинган «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони эса вилоят, хусусан, Навоий шаҳрининг ишлаб чиқариш салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, транспорт ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, юқори технологияларни жорий этиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида янги имкониятларни очиб беради.

Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида 19 декабрь куни Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шаҳрининг 50 йиллик юбилейига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Юбилей тантаналарига бағишланган маросимни Навоий вилояти ҳокими Э.Турдимов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Навоий кон-металлургия комбинати жамоаси ва Навоий шаҳри аҳолисига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Р.Шамшиев ўқиб эшиттирди.

Юртбошимиз табригида таъкидланганидек, Навоий шаҳри ва Навоий кон-металлургия комбинатининг мураккаб синов ва машаққатларга, юксалиш ва ривожланиш босқичларига бой ярим асрлик тарихи мамлакатимизнинг тараққиёт йўли билан узвий боғланиб кетган.

Бу гўзал шаҳар ва йирик индустрия мажмуасининг бунёд этилиши ва тараққий топишида, ишлаб чиқариш анъаналарининг шаклланиши ва муносиб давом эттирилишида минг-минглаб фидойи ватандошларимиз, олим ва мутахассислар, муҳандис ва бунёдкорларнинг фидокорона меҳнати мужассам.

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида комбинат ёш мутахассислари учун Заркент қўрғони ва Зарафшон шаҳрида учта кўп қаватли турар-жой биноси фойдаланишга топширилди.

Навоий шаҳрида умумтаълим мактаби, ёш оилалар учун 48 хонадонга мўлжалланган кўп қаватли турар-жой биноси, замонавий болалар спорт мажмуаси, Дашт-Нагорний каналининг иккинчи навбати, марказий деҳқон бозорининг янги мажмуаси барпо этилди. Бир қанча йўл ва кўчалар кенгайтирилди, ранго-ранг фаввоpалар майдон ва хиёбонларга янада кўрку тароват бахш этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига мувофиқ Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шаҳрининг 50 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ишлаб чиқариш илғорлари ва шаҳар фаоллари Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Тантанали маросимда ана шу юксак мукофотлар топширилди.

Тантанали маросимда сўзга чиққан Навоий кон-металлургия комбинати бош директори Қ.Санақулов, 5-кон бошқармаси бошлиғи Т.Рўзиев, комбинат лойиҳалаш бўлими бошлиғи В.Халитова, 1-гидрометаллургия заводи аппаратчилар бригадаси бошлиғи А.Бистроченко, меҳнат фахрийси Ҳ.Мавлонов, Навоий давлат кончилик институти кафедра мудири Х.Раупов, Навоий кончилик коллежи талабаси, армрестлинг бўйича жаҳон чемпиони Ш.Нуриддинов ва бошқалар Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шаҳрининг 50 йиллик тўйининг кенг нишонланиши бутун вилоят аҳлини янги-янги меҳнат зафарларига чорлашини қайд этиб, катта эътибор ва ғамхўрлик учун Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этдилар.

Навоий кон-металлургия комбинати ва Навоий шаҳрининг 50 йиллигига бағишланган тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти билан якунланди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Ёрқул УМАР,
ЎзА мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЯНГИ ҚОНУНЛАР ТАРҒИБОТИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси аҳолининг қабул қилинаётган қонунлардан хабардорлик даражаси, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти билан узвий боғликдир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, **«токи жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз ҳуқуқи, ўз бурчи ва масъулиятини пухта билмас экан, уни ҳаётий эҳтиёжи сифатида англамас экан, бизнинг ислоҳот, янгиланиш ҳақидаги сўзларимиз, саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетаверади».**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва Сенатнинг ялпи мажлисларида маъқулланган 180 га яқин қонунларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш ва амалиётда қўллаш зарурати-дан келиб чиқиб яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти илмий ходимлари томонидан икки палатали парламент шароитида қабул қилинган муҳим қонунларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш мақсадида «Янги қонунлар моҳияти, — Сущность новых законов» номли илмий-амалий қўлланма нашр этилди.

Қўлланма етти бобдан иборат. Унда уй-жой мулкдорлари ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг кафолатлари, оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунчиликнинг ривожланиши, давлат божхона хизматига оид қонунчиликни такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари, қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш, Республикага кириш ва мамлакатимизда бўлиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик, муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни амалга ошириш кафолатлари, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг аҳамияти ва асосий йўналишлари, никоҳни ҳақиқий эмас деб топишнинг асослари, йўл ҳаракати хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлаш, ҳисоб палатасининг кўрсатмаларини бажармаслик учун жавобгарлик, йод етишмаслиги касаллиги профилактикасининг ҳуқуқий асослари, «Ҳомийлик тўғрисида»ги қонуннинг аҳамияти, мулк дахлсизлигининг қонуний кафолатлари, истеъмолчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатлари ҳамда транспорт воситалари ҳайдовчилари ва йўловчилари хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий тартибга солиниши билан боғлиқ масалалар тизимли ёритиб берилган.

Шунингдек, «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мазмун-моҳияти, «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш тартибини такомиллаштиришнинг айрим масалалари, ҳакамлик судларининг тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишда тутган ўрни ва аҳамияти, автомобиль йўллари тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни тартибга солишнинг айрим хусусиятлари, соғлиқни сақлаш тизими ҳамда уни такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари каби мавзулардаги кўплаб таҳлилий мақолалар кўпчиликни қизиқтириши табиий.

Китоб жавонингизга

Шубҳасиз, мазкур илмий-амалий қўлланма аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш ҳамда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини чуқурроқ ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ,
юридик фанлари доктори, профессор.

✓ ЎзХДП ҳаёти

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ ҲИМОЯСИ БОШ ВАЗИФАМИЗ

дея таъкидланди ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши томонидан ташкил этилган давра суҳбатида

Темурийлар тарихи давлат музейида ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, туман партия кенгашлари раислари ва ҲДП фаоллари иштирок этди.

— Ислоҳотларнинг бош мақсади инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлашдир, — деди ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Учқун Шойимқулов. — Мамлакатимизда кенг миқёсли демократик янгиланишларнинг амалга оширилиши, қатор ижтимоий давлат дастурларининг ҳаётга татбиқ этилаётгани шахс камолоти ва фуқаролар, биринчи навбатда болалар, аёллар ҳамда ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратди. Аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий онгини янада юксалтириш соҳасида яхлит тизим шаклланди. Биз партиямиз электоратининг ҳуқуқий маданияти юксалишидан манфаатдормиз. Шунинг учун бу борада жойларда тарғибот ишларини мунтазам ва режали олиб бориш талаб этилаяпти.

— Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллиги муносабати билан комплекс тадбирларнинг амалга оширилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳафаза қилиш борасидаги ишларимизни янги босқичга олиб чиқди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Боймурод Юсупов. — Ўзбекистон бевосита инсон ҳуқуқларига оид 70 га яқин халқаро ҳужжатни ратификация қилди. Бундан ташқари, мамлакатимизда жисмонан соғлом бўлмаган, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш, одам савдосига қарши кураш масалалари бўйича ҳам кўплаб қонун ҳужжатлари кучга кирди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 60 йиллиги муносабати билан партия ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ишлар, ўтказилаётган тадбирлар ҳақида гапирди. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, ёлғиз ва кўмакка муҳтож кишилар, ногиронларга ҳам маънан, ҳам моддий ёрдам кўрсатиш борасидаги ташаббусларни мисол қилиб кўрсатди. Бу борада партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаоллар олдида турган асосий вазифалар тўғрисида фикр юритди.

Гулруҳ ОДАШБОЕВА
Шавкат ҚАҲҲОРОВ
олган сурат

ЁШЛАР УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИ

Жиззах вилоятида 2008 йил давомида касб-ҳунар коллежларини битирган 8 минг 961 нафар йигит-қизнинг 94,4 фоизи ишга жойлаштирилди. Ушбу муҳим масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яқинда Зафаробод туманидаги маиший хизмат касб-ҳунар коллежида меҳнат ярмарканси бўлиб ўтди. Унда тумандаги ташкилот, корхона ва фермер хўжаликлари бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Шу куни етмишга яқин ёш ишли бўлди.

Шунингдек, туман бандликка кўмаклашиш маркази томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитларни иш билан таъминлаш мақсадида ёшларга ўз бизнесини йўлга қўйиш учун молия муассасаларининг имтиёзли кредитлари, касб ўрганиш ва малака ошириш хизматлари ҳам таклиф этилди.

(Ўз мухбиримиз)

ДАЪВОГАРЛАР РЎЙХАТИДА

«Хоразмпалас» меҳмонхонаси «Сайёҳлик, меҳмонхона иши, гастрономия — 2009» халқаро танлов даъвогарлари рўйхатига киритилди.

«Янги йил бошида Испания пойтахти Мадрид шаҳрида «Fitur — 2009» халқаро сайёҳлик ярмаркаси бўлиб ўтади. Ушбу мукофот ярмарка доирасида даъвогарлар орасидан ғолибларга топширилади.

Бизлар ушбу ярмаркада қатнашиш учун таклифнома олдик. Унда сайёҳлик тизими бўйича ўз лойиҳаларимизни ҳам таклиф қиламиз», — дейди меҳмонхона етакчиси Равшан Қурбонов.

Рўзимбой ҲАСАН

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Газдевайс» АЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари (200 кВт ва 400 кВт);
- буғ қозонлари (соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари (100 кВт ва 200 кВт);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар (7 кВт дан 16 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар (20 кВт дан 100 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар (10 кВт дан 40 кВт гача).

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.
Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.

Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:
1. Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноат моллари қаторида жойлашган 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 233-44-73.
2. Тошкент ш., Т. Шевченко кўчаси, 34-уй, чап қатордаги 3-дўкон.
Мўлжал: Perfectum mobile. Тел.: 252-20-73.

Реклама

Мулкчилик шаклидан қатъи назар,
барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

Аму — Бухоро ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси

иншоотни тўлалигича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Лот №1:

Лот 1-1. «Бухоро вилояти, Бухоро туманидаги хўжаликлараро «Параллел» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш (IV босқич)».

Лот 1-2. «Бухоро вилояти, Қорақўл туманидаги хўжаликлараро «Караун» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш (III босқич)».

Лот 1-3. «Бухоро вилояти, Олот туманидаги хўжаликлараро «Жанубий бирлаштирувчи» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш (III босқич)».

Лот 1-4. «Бухоро вилояти, Шофиркон туманидаги хўжаликлараро «Шимолий Шофиркон» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш (III босқич, 2-қисм)», «Бухоро вилояти, Шофиркон туманидаги хўжаликлараро «Шимолий Шофиркон» зовури тизимини таъмирлаш ва тиклаш (II босқич)». Мелиоратив қудуқлар.

Лот №2:

Лот 2-1. «Бухоро вилояти, Ромитан туманидаги хўжаликлараро «Нақиб» зовурини таъмирлаш ва тиклаш (III босқич, 2-қисм)».

Лот 2-2. «Бухоро вилояти, Пешку» туманидаги хўжаликлараро «Т-9 Шимолий зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш (III босқич)». «Бухоро вилояти, Пешку туманидаги хўжаликлараро «Т-9 Шимолий» зовури тизимини таъмирлаш ва тиклаш (II босқич)». Мелиоратив қудуқлар.

Лот 2-3. «Бухоро вилояти, Когон туманидаги хўжаликлараро «Курак» зовури тизимини таъмирлаш ва тиклаш (III босқич, 2-қисм)».

Лот 2-4. «Бухоро вилояти, Жондор туманидаги хўжаликлараро «Марказий Бухоро» зовури тизимини таъмирлаш ва тиклаш (IV босқич)».

Қурилиш ишлари Республика мелиорация фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Буюртмачи манзили: Бухоро шаҳри, Ширбудин кўчаси, 4-муюлиш, 24-бино, телефон: 225-36-22, 225-36-33.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: устав сармояси миқдори, танлов савдолари предметининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағларга ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танловга қўйилган объектларга ўхшаш иншоотларда камида уч йиллик ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга ҳамда ўзаро ишончга, шунингдек, етарли ишчи кучи захираларига эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Бухоро шаҳар, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хона.
Тел: 223-96-29, факс: 223-97-51

Танлов ҳужжатлари бир тўплами (комплект) қиймати — 60000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари очилиш куни ва соатида қабул қилиниб, танлов қатнашчилари ва оферентлар иштирокида очилади.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидадаги манзил: **Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хонада соат 10.00 да бўлиб ўтади.**

ХОРІJDA

АҚШ: ОБАМА ИНАУГУРАЦИЯГА ПОЕЗДДА БОРАДИ

Президентлик инаугурацияси ташкилий қўмитаси маълумотларига таянган The Baltimore Sun агентлиги хабарига кўра Барак Обама инаугурацияга поездда боради. Поезд Филадельфия (Пенсильвания штати), Уилмингтон (Делавэр) ва Балтимор (Мэриленд) сингари йирик шаҳарлардан ўтади.

Ташкилий қўмита вакили Кларк Стивенс таърифича, бундай сафар «мамлакат тарихий бойликларига ўзига хос ҳурмат» бўлиб, одамларга «мазкур тарихий жараён иштирокчиси» бўлишлари учун етарли шароит яратиб беришдир.

Поезд 1776 йилда Мустақиллик декларацияси имзоланган Филадельфия шаҳридан 17 январь куни жўнайди ва кейин Балтиморга боради. Бу ерда 1814 йил илк бор Америка миллий мадҳияси — «Юлдузли байроқ» янграганди.

Далавэрда Обамага унинг маслақдоши — вице президентликка сайланган Джо Байден ҳамроҳлик қилади.

Обама ва Байдэннинг ҳамроҳликдаги сафари 1861 йил мамлакат Президенти Авраам Линкольн ўз инаугурацияси олдидан қилган сафарни эслатади. Қолаверса, Обама сайлов компанияси даврида ҳам тарғибот ишларида поезддаги сафарлардан фойдаланган эди.

Инаугурация 20 январ куни Вашингтонда бўлади.

ИСРОИЛ: ҲАЙДОВЧИ УЙ ҚАМОҒИГА ОЛИНДИ

18 декабрь, пайшанба куни исроиллик автобус ҳайдовчиси Эдуард Гельфонд касалхонадан чиққандан сўнг уй қамоғига олинди, деб хабар беради Haaretr нашри.

Хабарингиз бор, Гельфонд бошқарган йўловчилар автобуси ўтган сешанба куни Исроилнинг Эйлат курорти яқинида фалокатга учраб, 24 нафар турист, 1 нафар гид ҳалок бўлганди ва 25 киши жароҳат олганди. Автобусда асосан Санкт-Петербург туристлар фирмаси вакилларидан иборат бўлган россияликлар Исроилдаги диққатга сазовор жойлар билан танишиш учун саёҳатга чиққанди. Йўлнинг оғирроқ қисмида трассадан чиқиб кетган автобус жарликка қулаб тушиб, бир неча бор ағдарилган.

Россия Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳалокатга учраганлар рўйхатини эълон қилди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА:

AFP хабарларига кўра, Греция пойтахти Афинада полиция ва намойишчилар ўртасида янгидан тўқнашувлар рўй берган. Шаҳар марказига ўрнашиб олган намойишчилар полициячиларга тошлар, ёндирувчи аралашма тўлдирилган шишалар отиб, мамлакатнинг қонунчилик мажлиси биноси ёнида тўполон кўтарганлар.

●●●

Испаниядаги Сантандер шаҳрида собиқ диктатор Франсиско Франко ҳайкали демонтаж қилинди, деб ёзади Associated Press. Хабарингиз бўлса, Франко Испания ҳокимияти тепасида 1939 йилдан 1975 йилгача турган. Тарихчилар маълумотига кўра, унинг мамлакатни бошқаруви даврида 500 минг нафардан миллион нафаргача испанлар қатағон қурбонлари бўлишган ва 700 минг нафарга яқин фуқаро мамлакатдан чиқариб юборилган.

●●●

Канаданинг Whistler тоғли — чанғи курортида канат («арқон»)-ли йўл таянчларидан бири синиб тушиб, 12 нафар турист жойлашган икки кабина ҳавода осилиб қолди, деб хабар қилади AFP агентлиги. Ҳалокатга учраганлар йўқ. Уч нафар кишигина енгил жароҳат олиб касалхонага ётқизилган. Мазкур курортда 2010 йилги қишки Олимпиада мусобақалари ўтказилиши режалаштирилган.

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИСИ»

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» меҳмонхонасида ЎФФнинг тантанали йиғилиши бўлиб ўтди. Журналистлар ўртасида ўтказилган сўров якунларига кўра, энг кўп очко тўплаган Тошкентнинг «Бунёдкор» ҳамда мамлакат миллий терма жамоалари ярим футболчиси Сервер Жепаров Ўзбекистоннинг 2008 йилдаги «Энг яхши футболчиси» деб топилди. Ушбу номинация бўйича кейинги ўринларни пахтакорчилар Одил Аҳмедов ҳамда Игнатий Нестеровлар эгаллашди. Ўтган мавсум давомида рақиблари дарвозасига 19 та тўп йўллаб, пешқадамлик қилган Сервер Жепаров якунланаётган йилнинг «Энг яхши тўпурари» ҳам деб эътироф этилди.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг келаси йили Мисрда бўладиган жаҳон чемпионатига йўлланма олиши ҳамда Осиё чемпионати финалчисига айланишига катта ҳисса қўшган бош мураббий Аҳмаджон Убайдуллаев эса «Йилнинг энг яхши мураббийи» деб тан олинди. «Бунёдкор»нинг собиқ ҳамда Ўзбекистон миллий терма жамоасининг амалдаги бош мураббийи Миржалол Қосимов ҳамда «Нефтчи» (Фарғона) жамоаси бош мураббийи Юрий Саркисян ушбу сўровда кейинги поғоналарни банд этишди.

Шунингдек, 2008 йилнинг Осиёдаги «Энг яхши ҳаками» Равшан Эрматов мамлакатимизда ҳам шу номга муносиб топилди. Мутахассислар бир овоздан уни Ўзбекистоннинг ўтаётган йилдаги «Энг яхши ҳаками» деб эътироф этишди.

Спорт

«НАСАФ»ДА НАВБАТДАГИ БОШ МУРАББИЙ

Охирги йилларда маҳаллий ёшлар ҳамда футбол академияси тарбияланувчиларидан таркиб топган Муборакнинг «Машъал» жамоасининг миллий чемпионатимизда барқарор командалардан бирига айланишига катта ҳисса қўшган Виктор Кумиков «Насаф» жамоаси бош мураббийи этиб тайинланди.

«БУНЁДКОР»НИНГ РАҚИБЛАРИ

2009 йилнинг 25 январь — 1 февраль кунлари Исроилда анъанавий «Биринчи канал кубоги» халқаро турнири ўтказилади. Тўртинчи маротаба ўтаётган мазкур нуфузли мусобақада мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони — «Бунёдкор» (Тошкент) жамоаси илк бор иштирок этади.

Ҳамюртларимиз «В» гуруҳида Санкт-Петербургнинг «Зенит», Донецкнинг «Шахтёр» ҳамда Днепропетровскнинг «Днепр» футболчиларига қарши ўйнайдилар.

Турнирнинг «А» гуруҳида эса ЦСКА (Москва), «Динамо» (Киев), «Крилья Советов» (Самара) ҳамда «Металлист» (Харьков) жамоалари ўзаро баҳс юритишади.

Мусобақа тақвими қуйидагича:

25 январь. «Шахтёр» — «Днепр», «Бунёдкор» — «Зенит»

26 январь. ЦСКА — «Динамо», «Металлист» — «Крилья Советов»

27 январь. «Шахтёр» — «Бунёдкор», «Зенит» — «Днепр»

28 январь. ЦСКА — «Металлист», «Динамо» — «Крилья Советов»

29 январь. «Шахтёр» — «Зенит», «Бунёдкор» — «Днепр»

30 январь. ЦСКА — «Крилья Советов», «Динамо» — «Металлист»

1 февраль. ФИНАЛ.

❖ Спорт ҳақида ўйлар

МАЪНАВИЙ ЕТУКЛИК МУЗАФФАРЛИККА ЕТАКЛАЙДИ

ОРИЯТ, ҒУРУР ВА ИФТИХОР! Ватан шаъни, юрт обрўсини халқаро майдонда муносиб ҳимоя қилмоқ, янада юксалтирмоқ учун инсонда азму шижоат, истеъдод ва маҳоратдан ташқари таъбир жоиз бўлса, ана шу муҳим уч омил жамулжам бўлмоғи керак.

Чунки у хоҳ спортчи, хоҳ илм сирларини эгаллаш учун бел боғлаган ёш тадқиқотчи ёхуд муайян бир соҳанинг етук мутахассиси бўлишга интилаётган талабами, ҳар қанча истеъдодли ва маҳоратли бўлмасин, қалбида ота-боболардан мерос орият туйғуси жўш уриб турмаса, юраги миллат ғурури билан ёнмаса, аждодларининг муборак излари қолган Ватан тупроғи билан ифтихор қилиб яшамаса, унинг юқори чўққиларга, ғолиблик шоҳсупасига кўтарилиши аммаҳол. Бошқача айтганда, инсоннинг маънавий етуклиги уни музаффарликка етаклайди.

Истиқлол шарофати, имкониятлари натижасида кундан-кунга тараққий этаётган озод ва обод мамлакатимизнинг бугунги ёшлари ушбу фазилатлар соҳиби сифатида барча соҳаларда ўзининг нималарга қодирлигини намойиш этмоқда. Энг муҳими, ана шундай эзгу фазилатларга эга ёшларимиз минглаб, миллионлаб тенгдошларига, унибўсиб келаётган ука-сингилларига ўрнак бўлмоқда. Халқимизнинг ифтихорига айланмоқда.

Нуфузли халқаро мусобақаларда муваффақият қозонган, илм-фан, санъат соҳасида юрт шуҳратини оламга ёйган ёшларни Ватан, халқ ҳеч қачон унутмайди. Уларнинг катта-кичик ютуғи эътибордан четда қолмасдан муносиб тақдирланаётгани фикримизнинг далилидир.

ФУТБОЛ, БОКС ЁХУД ҚАҲВА

Мамлакат байроғи хорижий элларда қачон кўтарилади, мадҳияси қачон янграйди? Тўғри топдингиз. Ўша давлатнинг раҳбари расмий ташриф билан борганда. Яна-чи? Юрт номидан майдонга чиққан спортчи ғолиблик нашидасини суриб, шоҳсупада мағрур турганида.

Расмий ташрифлар ҳар куни бўлавермайди албатта. Лекин спортчиларда имконият катта. Бугун курашчилар мусобақадан келишса, эртага боксчилар сафар тўнини кийишади. Ундан кейин каратэчи-ю таэквондочилар.

Спортчи беллашувга киришар экан, унга миллион-миллион юртдошлари кўз тикиб тургани, ғалабаси халқининг обрўйини оширишга хизмат қилишини ўйласа, англаса кучига куч қўшилади.

Футболсиз Бразилияни кўз олдингизга келтиринг. У бутун дунёга қаҳва етиштириб берганида ҳам бунчалик танилмасди. Ёки Куба тарихидан боксдаги ғалабаларни олиб кўринг. Боксчиларисиз бу орол бунчалик машҳур бўлмасди.

Кўнглимизга яқин яна бир мисол. 1994 йили Осиё ўйинларида футболчиларимизнинг чемпион бўлгани ёш мустақил мамлакатимизни бутун осиёга машҳур қилиб юборганди.

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

Юртимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етиши давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир. Бу улуғ мақсад йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Давлат катта-катта сарф-харажатлар қилмоқда.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, болаларимизнинг ўзимиз истагандек соғлом ва бақувват бўлиб ўсиб-улғайишини орзу қилсак, уларни етук инсонлар сифатида кўрмоқчи бўлсак, бу масалага жуда жиддий ёндашмоғимиз керак. Спорт билан шуғулланиш дегани — бу аввало, ҳар қайси ёш йигит-қизнинг ўз-ўзини англаши дегани. Энг муҳими, спорт билан шуғулланиш — бу фарзандларимиз ёшлик чоғидан бошлаб ўзининг устун ва заиф томонларини сезиши, тушуниши, камчиликларини бартараф этиш учун ўз устида доимий ишлаши дегани.

Бошқача айтганда, ёшлигида қийинчилик кўрмаган, айтайлик, спорт машғулотларида йиқилиб-сурилмаган, ҳаётда пишмаган бола мард бўлиши мумкинми? Спорт инсонга айнан мана шу хусусиятни беради. Спорт мусобақаларида, турли беллашувларда иродаси тобланган болалар юртимизда қанча кўп бўлса, шунча яхши.

Ахир, спорт билан шуғулланиш боланинг табиати ва характери мустаҳкамланишига, иродаси бақувват бўлиши, пировард натижада эса унинг иймонли инсон бўлиб вояга етишига олиб келиши ҳақиқат-ку.

Спорт орқали миллий истиқлол ғоясини кенг ривожлантириш учун беқиёс имкониятлар мавжуд. Одамга аввало нима керак — ифтихор, ғурур, орият! Шу туйғулар бўлмаса унинг ҳаёти тўлиқ бўлмайди. Инсон аввало ўзи билан, юрти билан, Ватани билан ғурурланиб яшаши лозим.

Озод РАЖАБОВ,
журналист

«ТАЭКВОНДОЧИЛАР ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ»

ана шундай шиор остида пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида болалар ва ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон кубоги баҳслари бўлиб ўтди

Якунланаётган йил мамлакатимиз таэквондочилари учун мусобақаларга бой бўлди. Айниқса, пойтахтимизда илк маротаба таэквондо (ITF) бўйича болалар ва ўсмирлар, катталар ҳамда фахрийлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати кўпчиликда унутилмас таассуротлар қолдирди.

Куни кеча «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида ўтган Ўзбекистон кубоги баҳслари ҳам чинакам байрам тусини олди. Унда Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан ташриф буюрган беш юз нафарга яқин ўғил-қиз тиль ва массоги йўналишлари бўйича ғолиблик учун кураш олиб борди.

Мусобақа якунида умумжамоа ҳисобида пойтахтликлар биринчи, Тошкент ҳамда Бухоро вилоятлари ёш таэквондочилари кейинги ўринларни эгаллашди.

Эркин ХОЛБОБО

Суратда: *Ўзбекистон кубоги баҳсларидан лавҳа.*

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

«ПЕНТИУМ-6 ШАТРАНЖ МАМЛАКАТИДА»

Пойтахтимиздаги Киночилар уйида компьютер имкониятларидан фойдаланилган ҳолда яратилган фильмнинг тақдимоти бўлиб ўтди.

Ажойиб ҳаётий воқеаларга, ғаройиб саргузаштларга бой фильмнинг қаҳрамони — шоҳмотда фавқулодда иқтидор эгаси Илҳом ҳамюртимиз Рустам Қосимжоновдай жаҳон чемпиони бўлишни орзу қилади... «Пентиум-6 шатранж мамлакатида» деб номланган ушбу фильмнинг сценарийсини Мастура Исҳоқова ёзган, уни режиссёр Жасур Исҳоқов суратга олган. Асосий ролларни таниқли актёрлар ижро этишган, мураккаб тасвирлар компьютер ёрдамида амалга оширилган. Янги йил арафасида катта экранларга чиқариладиган ушбу фильм барчага бирдай манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

А.БЕК

Премьера

ЯНГИ ФИЛЬМ ТАҚДИМОТИ

Наманганда Машраб кинотеатрида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик сценарийси асосида таниқли актёр Ёдгор Саъдиев томонидан суратга олинган «Иблис девори» бадиий фильми тақдимоти бўлиб ўтди.

Меҳр-оқибат, инсоф ва диёнат ҳақида ҳикоя қилувчи мазкур фильмнинг кўпгина лавҳалари Наманган шаҳрида суратга олинган.

Носир АББОС

ЮҚОРИ СИФАТ УЧУН МУКОФОТ

Жаҳоннинг 62 та давлатидан келган бизнесменлар, олимлар ва соҳа мутасаддилари иштирок этган мазкур анжуман нуфузли ҳайъат аъзолари Денов шароб-ароқ ҳиссадорлик жамиятида тайёрланаётган маҳсулотлар халқаро талабларга тўла жавоб беришини эътироф этган ҳолда мазкур корхонани олтин юлдуз билан мукофотлади.

— Мустақиллик йилларида корхонага янги линиялар ўрнатилди, — дейди жамият раиси Абдуғани Саидов. — Биргина амалдаги йилда Италиянинг «REOVALE TRADING LTD» компаниясидан 74 миллион сўмдан ортиқ маблағга ёрлиқ ва акциз маркаларини қадоқлайдиган ускуна келтирилди. Яқинда эса шу мамлакатнинг «Дели тофел» компанияси билан ҳам ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

«Ўзсаноатқурилишбанк» Шаҳристон филиалига тегишли бўлган MINI BANK MFO 00400 банк штампи йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент вилояти Пскент туманидаги 17-умумтаълим мактаби томонидан 1992 йилда туғилган Ёқубова Дилором Юнус қизи номига 2008 йилда берилган U 0173184 рақамли аъло даражали шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

❖ Тадбир

«АДЛИЯ ИДОРАЛАРИ: ОАВ нигоҳида»

кўрик-танлови якунланди

Адлия вазирлиги томонидан эълон қилинган «Адлия идоралари: ОАВ нигоҳида» номли республика кўрик-танлови ғолиблари аниқланди.

Унда адлия идоралари масъул ходимлари, журналистлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ушбу танлов Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг моҳияти ва мақсадларини кенг жамоатчиликка халқчил тилда етказиш, адлия тизими томонидан ҳуқуқий маданиятни юксалтириш йўлида амалга оширилаётган тадбирларни марказий ва маҳаллий телевидение, радио, босма нашрлар ҳамда интернет саҳифаларида ёритиш ҳамда уларнинг мазмундорлигини ошириш мақсадида ўтказилди.

Кўрик-танловга «Энг яхши телелавҳа», «Энг яхши радиоэшиттириш», «Энг яхши мақола» ва «Энг яхши интернет материаллари» йўналишларида телерадио ва босма нашрларда эълон қилинган 50 дан ортиқ материаллар тақдим этилди.

Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат

Танлов натижаларга кўра, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ходимлари, Навоий вилояти хотин-қизларнинг «Тўмарис» газетаси таҳририяти Адлия вазирлигининг биринчи даражали дипломи ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Шунингдек, «Ўзбекистон овози» ва «Андижоннома» газеталари таҳририяти вакиллари, Бухоро вилоятининг «Коинот» телевидениеси, Фарғона вилоят телерадиокомпанияси, «Oriat-TRK» жамоалари II ва III даражали диплом ва эсдалик совғаларини қўлга киритишди.

Тадбир якунида ушбу кўрик-танловни 2009 йил давомида ҳам ўтказиш ва қамровини янада кенгайтиришга келишиб олинди.

Абдусалим МАҲМУДОВ

Қинғир иш

«САВДОЛАРИ ПИШМАДИ»

Мамлакатимизда хориж валютасини сотиш ва сотиб олиш бўйича белгиланган тартиб мавжуд. Лекин шунга қарамасдан, амалдаги қоидаларга нописанд қараб, ўз нафси йўлида, ҳеч нарсадан қайтмайдиган зангиоталик Ш.Юсупова 2500 АҚШ долларини 3500000 сўмга сотаётган пайтда қўлга олинди. Мазкур ҳолат юзасидан жиноий иш қўзғатилиб, айбланувчига суд томонидан тегишли жазо белгиланди.

Бугун Д.Арипов ҳам ўз қилмишидан пушаймон. У «Нексия» ва «Матиз» автомашинаси эҳтиёт қисмларини 1500 АҚШ доллари ҳамда 260 000 сўмга сотган вақтида департамент ходимлари томонидан ушланди. Сўраб-суриштиришлардан кейин унинг уйида Хитой ва Жанубий Корея Республикасида ишлаб чиқарилган, ҳужжатсиз қарийб 20 миллион сўмлик автомобиль эҳтиёт қисмлари чет элдан айланма йўллар орқали олиб келинганлиги маълум бўлди. Суд мазкур жиноий ишни кўриб чиқиб, қонуний баҳо берди.

Б.Давлетов билан А.Алимовлар эса бошқа бир хусусий тадбиркор номига расмийлаштирилган чиқим ҳужжатлари нусхаларидан қонунга зид равишда фойдаланмоқчи бўлишди. Хорижда ишлаб чиқарилган, 39 273 150 сўмлик ҳужжатсиз маҳсулотларни сотиш мақсадида олиб кетаётган шоввозлар манзилига етиб бора олишмади. Уларнинг хатти-ҳаракатини суд кўриб чиқиб, қонуний жазо белгиланди.

Алиқул САМАДОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Тошкент вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1149
7800 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 21.30
Topshirilgan vaqti — 23.15
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda